

## **СОЦИАЛ ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**Д.Норкулова – Самарқанд иқтисодиёт ва  
сервис институти “Туризм” кафедраси доценти  
в.б., PhD. Ўзбекистон.**

**Аннотация:** ушбу мақолада социал туризм хизматларининг ижтимоий самараларидан бири ҳисобланган ижтимоий капитал ва унинг ўзига хос томонлари, ижтимоий самарани тақсимланиш механизми таҳлил қилиниб, социал туризм хизматларни ривожлантириш самарадорлигини ифодалайдиган кўрсаткичлар тизимини таклиф қилинмоқда.

**Калит сўзлар:** социал туризм, хизматлар, ижтимоий самара, ижтимоий капитал, истеъмолчилар, буюртмачилар, хизмат кўрсатувчилар

## **ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ЭФФЕКТИВНОСТИ РАЗВИТИЯ УСЛУГ СОЦИАЛЬНОГО ТУРИЗМА**

**Д.Норкулова – Самарқандский институт  
экономики и сервиса, и.о. доцента кафедры  
“Туризм”, PhD. Узбекистан.**

**Аннотация:** в данной статье проанализированны особенности социального капитала, который считается одним из социальных эффектов услуг социального туризма, а также механизм распределения социального эффекта, предложена система показателей эффективности развития услуг социального туризма.

**Ключевые слова:** социальный туризм, услуги, социальный эффект, социальный капитал, потребители, заказчики, обслуживающие.

### **Кириш**

Инсон тараққиёти – одамларнинг узоқ ва соғлом, муносиб турмуш кечиришлари, маълумотли бўлишлари учун зарур воситалардан фойдаланишлари имкониятларини кенгайтиришдир. Аммо бу имкониятларни одамларнинг ўзлари танлайдилар. Инсон тараққиётининг асосий мезони умр

кўриш давомийлиги, саводхонлик даражаси ва ресурслардан фойдаланиш имкониятини ифода этадиган Инсон тараққиёти индексидир. Давлатнинг фаравонлиги фақат даромад даражасига эмас, балки бу даромаддан қандай фойдаланишга ҳам боғлиқ<sup>1</sup>. Ресурсларни адолатли равишда тақсимлаш жамият барча аъзолари учун неъматларни танлаш имкониятларини кенгайтиради, шунингдек, турмуш сифатини ошириш негизини яратади. Даромадлар ва инсон турмуши ўртасидаги боғлиқлик солиқ-бюджет ва ижтимоий сиёсат чораларини камраб оладиган давлат стратегияси ёрдамида шакллантирилиши керак<sup>2</sup>. Ҳар бир қондирилган эҳтиёж янада каттарок эҳтиёжни ҳосил қилади. Аммо аҳолининг айрим гуруҳлари(болалар, ёшлар, жисмоний имкониятлари чекланган инсонлар)нинг эҳтиёжларини қондиришда маълум қийинчиликлар мавжуд. Шунинг учун ривожланган мамлакатларда ушбу аҳоли гуруҳларининг мазкур эҳтиёжининг қондирилиши турли молиявий манбалардан амалга оширилади ва ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ўрта муддатли истиқболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазибалари ва устувор йўналишларидан бири сифатида "мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини — зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш, болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмни, оилавий туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш ҳисобига туризмнинг ижтимоий аҳамиятини кучайтириш, ҳудудларда янги

---

<sup>1</sup> Инсон тараққиёти. Дарслик. И.ф.д., проф. Қ.Х.Абдурахмонов таҳрири остида. – Т.: "Фан ва технология", 2013, 476 бет. 6-бет

<sup>2</sup> Инсон тараққиёти. Дарслик. И.ф.д., проф. Қ.Х.Абдурахмонов таҳрири остида. – Т.: "Фан ва технология", 2013, 476 бет. 4-бет

туризм йўналишларини ташкил этиш, уларни паспортлаштириш, туризм йўналишлари ва туризм объектлари бўйича ягона миллий реестрларни шакллантиришга йўналтирилган ички, кириш ва чиқиш туризмни комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш<sup>3</sup>" этиб белгиланганлиги социал туризм соҳасида амалга ошириладиган туб ўзгаришлардан далолат бўлади.

Ҳозирги даврда туризм мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга катта таъсир кўрсатадиган, бюджет даромадларини шакллантиришда муайян ҳисса қўшадиган соҳалардан бири ҳисобланади. Бу соҳанинг ривожланиши мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси жараёнининг жадаллашишига, ички иқтисодий тузилмаларнинг такомиллашишига, туризм билан боғлиқ равишда фаолият олиб борувчи соҳаларнинг ривожланишига ижобий таъсир қилади. Аммо инсоннинг саёҳат қилиши, доимий яшаш жойидан бошқа жойда дам олиши, янги ҳудудларни кўриши ёки шифобахш ҳудудларда саломатлигини тиклаши учун катта молиявий маблағлар талаб этилади. Бу маблағлар керакли манзилга етиб бориш, тунаб қолиш ва жойлашиш, овқатланиш ва шу каби турли хизматлардан фойдаланганлиги учун сарфланади. Демак, саёҳат қилиш имкониятига фақат молиявий таъминланган кишиларгина эга бўлади. Ижтимоий ҳимояга мухтож аҳоли қатламлари эса бу ҳуқуқдан фойдалана олмайди. Бу муаммони ҳал қилишда қисман давлатнинг ижтимоий ҳимоя сиёсатидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Аммо бозор иқтисодиёти муносабатлари ҳукмронлиги ҳамда аҳоли орасидаги моддий табақаланиш мавжудлиги шароитида, объектив равишда, давлат бюджет маблағларида ижтимоий харажатларга ажратилган қисмининг етишмовчилиги сезилиб туради. Ушбу шароитда аҳолининг кам таъминланган қисми ўзининг дам олиш ҳуқуқларини қай тарзда амалга ошириши мумкин? Ушбу имкониятдан фойдаланиш учун молиявий таъминот масаласини қандай ҳал қилиш мумкин? Кам таъминланган

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон, 558-модда, 2017 й., 1-сон, 3-модда

аҳолининг саёҳат қилишларини молиялаштириш сиёсатининг бозор иқтисодиёти шароитида социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг зарурати қай даражада, ривожланиш самарадорлиги қандай акс эттирилади, ижтимоий самарадан ташқари самарадорлик кўрсаткичлари мавжудми деган саволларга жавоб бериш мақсадга мувофиқ.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Социал туризм хизматларни ривожлантиришга оид жаҳонда олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: Европада социал туризмни ташкил этиш ва бошқаришнинг такомиллашган тизими таклиф этилган University of Westminster (Centre for Tourism Research); социал туризмни ривожлантиришда "The CALYPSO" дастурининг аҳамияти асосланган (European Commission, Enterprise and Industry, Tourism Unit); социал туризмни жорий қилиш Европада бошқа туризм шаклларини ривожлантиришга тўртки бўлиги асосланган (Klaipeda State College, Faculty of Social Science, Department of Tourism Administration); социал туризм моҳияти ва унинг туризм соҳасини ривожлантиришдаги ўрни кўрсатилган (Россия туризм халқаро академияси); социал туризм хизматлар бозорида маркетинг тадқиқотларининг ўзига хос томонлари аниқланиб, давлат томонидан тартибга солиниши ва уни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилган (Санкт-Петербург давлат университети, Волгоград давлат техника университети, Жанубий федерал университети ва Ростов алоқа йўллари давлат университети).

### **Тадқиқот методологияси.**

Социал туризм хизматларини ривожлантириш самарадорлигининг назарий асосларини ўрганиш вақтида анализ ва синтез, мантиқий давомийлиги, адабиёт таҳлили, индукция ва дедукция, тизимли, мантиқий ёндашув, социологик кузатиш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотлар давомида социал туризм хизматларининг бошқа туристик хизматлардан фарқли жиҳатлари аниқланди, самарадорлик атамасининг мазмун-моҳияти ўрганилди, социал туризм хизматлар бозорини

ривожлантиришни чекловчи шароитлар ҳамда социал туризмнинг самарасини тақсимлаш механизми таҳлил қилинди.

### **Таҳлил ва натижа.**

Олдин берилган мақолаларимизда умумийлаштирган ҳолда социал туризмга қуйидагича таъриф берган эдик:

Социал туризм деб, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари ҳамда чегирмали йўлланмаларни харид қилувчи шахслар томонидан истеъмол қилинадиган, лекин давлат бюджети, давлат ва нодавлат жамғармалари, ҳомийлар, туризмда фаолият кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда жисмоний шахсларнинг ижтимоий эҳтиёжларга ажратилган маблағлари ҳисобидан қисман ёки тўлиқ молиялаштириладиган туристик саёҳатларнинг барча турларга айтилади<sup>4</sup>.

Социал туризм – иқтисодий категория ҳисобланади, чунки бу иқтисодий жараён бўлиб, туризм фаолиятининг айрим томонларини ҳамда ўзига хос хусусиятларини ифода этувчи илмий-назарий тушунчадир. У туризмнинг айнан кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига мўлжалланганлиги, хизмат кўрсатиш тизимининг комплекс тарзда ташкил этилганлиги, молиялаштириш шакли билан бошқа туризм турларидан фарқланади.

Тадқиқотлар социал туризм хизматлар бозорининг бошқа турдаги туризм хизматлари бозоридан ўзининг таркибий тузилиши жиҳатдан ҳам анча фарқ қилишини кўрсатди. Социал туризм хизматлари бозорининг тўртта асосий таркибий қисмлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар: *давлат* – мамлакатнинг ижтимоий сиёсати ва унинг доирасида қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар орқали; *бююртмачилар* – мамлакатнинг ижтимоий ҳимоя сиёсатини амалга оширишга жавобгар идора ва вазирликлар, касаба уюшмалари, туризмда фаолият кўрсатаётган корхоналар, бошқа турдаги корхона ва ташкилотлар, ҳомийлар ва ҳайрия жамғармалари

---

<sup>4</sup> Норкулова Д.З. Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми. Монография. – Самарқанд: Zarafshon, 2015.-124 б.

ва жисмоний шахсларнинг кам таъминланган аҳолининг саёҳатларини молиялаштириш орқали; *истеъмолчилар* – болалар, ўсмирлар, ёшлар, жисмоний имкониятлари чекланган инсонлар, кам таъминланган аҳоли катламлари, корхона ва ташкилотларда фаолият олиб бораётган ходимлар имтиёзли йўлланмаларни истеъмол қилиши орқали; *хизмат кўрсатувчилар* – санаторийлар ва курорт масканлари, дам олиш уйлари ва пансионатлар, болалар ва ўсмирлар оромгоҳлари, хостеллар, турли меҳмонхоналар имтиёзли йўлланмалар асосида хизмат кўрсатиши орқали.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, социал туризм хизматлар бозорининг таркибига кирувчи айрим элементлар бир вақтнинг ўзида бир неча функцияларни бажариши мумкин. Масалан, санаторийлар ва курорт масканлари, дам олиш уйлари ва пансионатлар, болалар ва ўсмирлар оромгоҳлари бир вақтнинг ўзида ҳам жойлаштириш, ҳам овқатлантириш, ҳам кўнгил очиш хизматларини ўзида мужассамлаштирган муассасалар ҳисобланишади ва социал туризм хизматлар истеъмолчилари ушбу муассасалардан чиқмаган ҳолда барча туристик хизматлар истеъмолчиси бўла оладилар.

Иқтисодийнинг ҳар бир соҳасида маҳсулот ёки хизматлари ривожлантиришда, уларни яратишда иштирок этувчиларнинг фойдасини аниқлаш, самарасини ҳисоблаш ва фаолиятини прогнозлаш истиқболни белгилашда катта аҳамиятга эгадир. Социал туризм ҳам бундан мустасно эмас. Аммо чегирмалар, имтиёзлар, бировнинг ҳисобига саёҳат қилиш, ҳайрия ишларини амалга ошириш қай даражада самарали бўларкан?

Самарадорлик – бу “натижа” ва “харажатлар” нисбатидир. Илмий адабиётларда самарадорлик, унинг моҳияти ва аҳамияти, унга таъсир этувчи омиллар, ошириш йўллари хусусида кўп ва мазмунли фикрларни учратиш мумкин. Кўп манбаларда самарадорликнинг натижавий кўрсаткич эканлигига алоҳида урғу берилган. Масалан, самарадорлик ишлаб чиқариш пировард натижасининг қилинган ресурс харажатларига нисбати тарзида ҳисобланиши

кўрсатилган<sup>5</sup>. Бошқача қилиб айтганда, самарадорлик – бу ҳақиқатга яқинлик ҳамда натижавийлик мажмуасидир<sup>6</sup>. Самарадорлик тушунчасига берилган ушбу таърифларга тўла қўшилган ҳолда, социал туризмда унинг алоҳида аҳамияти борлигини таъкидламоқчимиз. Илмий нуқтаи назардан самарадорлик тушунчасини жамият миқёсида, ҳудудлар миқёсида ва субъектлар миқёсида кўриб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз. Масалан:

- жамият миқёсида – миллий, ирқий, тилни билиш, маданият ва урф-одатларга риоя қилиш нуқтаи назаридан ҳосил бўлган жамиятларда, маълум бир натижавий жараённинг кўлами ва нафлигини белгилаш;

- ҳудудлар миқёсида – ҳудудий бўлинмалар, яъни туман, вилоят, мамлакат, минтақаларда, маълум бир натижавий жараённинг кўлами ва нафлигини белгилаш;

- субъектлар миқёсида – жисмоний ёки юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган ижтимоий ёки иқтисодий соҳа фаолиятининг натижасидан кўрган нафлилиги.

Иқтисодчи олимлар томонидан берилган тушунчаларни таҳлил қилиш нуқтаи назардан самарадорликни ижтимоий-иқтисодий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, техник-технологик, экологик самара кўринишида баҳолаш мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик – чекланган ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий истеъмол даражасини юксалтиришдир.

Иқтисодий самарадорлик – ишлаб чиқариш натижасининг унга сарфланган харажатларга нисбатини ифодалайди.

Ижтимоий самарадорлик – аҳолининг даромадлари миқдори, унинг иш билан бандлиги, саломатлигини сақлаш, меҳнат малакасини юксалтириш, маданий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш ҳамда бўш вақтларини аниқлаш каби кўрсаткичларда ифодаланади.

---

<sup>5</sup> Т.Жўраев, Д.Тожибоева. Иқтисодиёт назарияси (кўргазмалар ва тарқатма материаллар). – Т.: "Фан ва технология", 2012, 332 бет (66-бетда)

<sup>6</sup> Туризм, гостеприимство, сервис: словарь-справочник/Г.А.Аванесова, Л.П.Воронкова, В.И.Маслов, А.И.Фролов; под редакцией Л.П.Воронковой. – М.: Аспект Пресс, 2002. – 367 стр., (336 страница)

Функционал нуқтаи назардан эса, самарадорликни ижтимоий ишлаб чиқариш, транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, туризм ва бошқа иқтисодий тармоқлардаги самара кўринишида баҳолаш мумкин<sup>7</sup>.

Туризм самарадорлиги туризмни ташкил этиш, хизмат кўрсатиш, туризм корхоналарининг хизмат кўрсатиш жараёнидан иқтисодий самарадорликни ҳисоблашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: туристик саёҳатлар ҳажми, туристик харажатлар миқдори, моддий-техник базанинг ривожланиши, молиявий фаолият кўрсаткичлари, халқаро туризмни ривожлантириш кўрсаткичлари.

Туризм ижтимоий ҳодиса бўлиб, аҳолининг ижтимоий фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Социал туризм эса бевосита ижтимоий сиёсатнинг бир қисмидир. Ижтимоий самарадорликни ифода қилувчи кўрсаткичлар инсоннинг ижтимоий фаолиятига чамбарчас боғлиқдир. Ижтимоий фаолият ва ижтимоий сиёсатда инсон капитали билан ижтимоий капитал тушунчаларига аҳамият қаратиш ва уларни социал туризм хизматларини ривожлантиришдаги ўрнини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Инсон капитали бу инсоннинг билим ва кўникмаларининг мажмуаси бўлиб, унинг жисмоний ёки ақлий меҳнат қилиш қобилияти билан мутаносибликда мавжуд бўлади. Ижтимоий капитал эса инсонларнинг бир жамият миқёсида ўзаро алоқадорлиги ва муносабатларининг мажмуасида намоён бўлади. Масалан, ўзаро ишонч мавжуд бўлган жамиятда барча фаолиятлар доирасида юқори натижаларга эришиш мумкин, ушбу ишонч мавжуд бўлмаган жамиятда эса бунинг аксини кузатиш мумкин<sup>8</sup>.

Ижтимоий капиталнинг социал туризм хизматларини ривожлантиришдаги ўрнини муҳокама қилишда, улар мавжуд жамиятлар ўзига хосликларини инобатга олиш зарур:

---

<sup>7</sup> Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2013, 368 бет (149 бетда)

<sup>8</sup> <http://www.ecsocman.hse.ru/data/217/076/1232/011koulman.pdf> Дж.Коулман. Капитал социальный и человеческий.



- **оила** – кичик кўринишдаги жамият бўлиб, унда ижтимоий капиталнинг қай даражада бўлиши, оила аъзоларининг биргаликда саёҳат қилишлари, фарзандларининг ёзги оромгоҳларда дам олишларига имконият яратишлари, тенгдошлари билан биргаликда ташкил этиладиган турли тадбирларда иштирок этишларига замин яратади;

- **маҳалла** – ўртача катталиқдаги жамият бўлиб, маҳалладаги ижтимоий капиталнинг юқори даражаси маҳалла аҳолисининг аҳил бўлиши, биргаликда турли зиёратгоҳларга ва тарихий обидаларга саёҳат қилишлари, табиат масканларига дам олишга чиқишлари ёхуд болаларнинг ёзги дам олишларини мазмунли ташкил этишлари, кам таъминланган оилаларнинг ҳам ушбу тадбирларда иштирок этишларига замин яратади;

- **давлат** – жамиятнинг каттароқ бир кўриниши бўлиб, ундаги ижтимоий капиталнинг юқори даражаси, фуқароларнинг ички туризмда фаол иштироки, соғломлаштирувчи-рекреацион саёҳатларни ташкил этиши, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишига замин яратади;


- **минтақа** – бир нечта мамлакат жойлашган жамиятнинг бир кўриниши бўлиб, ундаги ижтимоий капиталнинг юқори даражаси мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорликга, халқаро туризм ривожланишига, социал туризм хизматларининг халқаро миқёсда истеъмол қилинишига замин яратади.

Социал туризм хизматларини ривожлантириш орқали ижтимоий капитални ошириш учун асосий йўналишларни белгилаб олиб, заиф нуқталарни аниқлаш ва ривожлантиришга халақит берувчи омилларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Бизнинг назаримизда, социал туризм хизматлар бозорини ривожлантиришни чекловчи шароитларга норматив-ҳуқуқий базадаги, кўрсатиладиган хизматлар сифатига қўйилган талабнинг стандартларидаги, реклама-тарғибот ишларидаги ва шу каби фаолиятлардаги камчиликларни киритиш мумкин.

Ижтимоий капиталнинг юқори даражаси социал туризм хизматларини ривожлантиришга туртки бўлганидек, социал туризм хизматларини

ривожлантириш орқали ижтимоий капитални ривожлантириш мумкин. Саёҳатга турли тоифадаги инсонларнинг иштирок этиши, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг жамиятга нисбатан ишончининг ортиши, келажак авлоднинг баркамолликга интилиши, ижтимоий тенгликнинг амал қилиши ижтимоий капиталнинг ривожланишига асос бўлади.

Социал туризм хизматларининг ижтимоий самарасидан фойдаланувчиларга уларни бевосита истеъмол қилувчилар, уларнинг дам олишини ташкиллаштирувчи, ижтимоий ҳимоя тамойилларини амалга оширувчи давлат ва иш берувчилар киради. Социал туризмнинг самарасини тақсимлаш механизмини қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин (1-расм):



### 1-расм. Социал туризмнинг самарасини тақсимлаш механизми

Ижтимоий капитал ва социал туризм хизматларининг бир бирига боғлиқ равишда ривожланиши мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига, унинг халқаро даражадаги товар ва хизматлар бозорига чиқишига, мамлакат имиджининг ортишига сабаб бўлиши яққол намоён бўлмоқда.

**Хулоса ва таклифлар.**

Бизнинг фикримизча социал туризм ижтимоий ҳодиса бўлганлиги, уни ривожлантириш самарадорлигини қуйидаги кўрсаткичлар орқали ифодалаш мумкин деб ҳисоблаймиз:

- *социал туризм хизматлари истеъмолчилар улуши:*

$$\text{СТИ}_{\text{улуш}} = \sum I_{it} / \text{Ич} * 100$$

Бу ерда:

И – истеъмолчилар

it – истеъмолчилар тоифаси (болалар, ёшлар, қариялар)

Ич – ички туристлар умумий сони

- *буюртмачиларнинг социал туризм учун ажратилган маблағлар миқдори:*

$$\text{БМ} = \sum M_{ib}$$

Бу ерда:

М – маблағ миқдори

ib – буюртмачилар тоифаси

- *истеъмолчиларнинг социал туризм учун ажратилган маблағлар;*

$$\text{ИМ} = \sum M_{ii}$$

Бу ерда:

М – маблағ миқдори

ii – истеъмолчилар тоифаси

- *мавжуд моддий-техник база;*

$$\text{ММТБ} = \sum \text{БО} + \sum \text{ЁО} + \sum \text{Сан} + \sum \text{Бст}$$

Бу ерда:

БО – болалар оромгоҳлари

ЁО – ёшлар оромгоҳлари

Сан – санаторийлар

Бст – социал туризм хизматларини тақдим этувчи бошқа объектлар

- *социал туризм хизматлар истеъмолчиларнинг географик кўлами.*

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Инсон тараққиёти. Дарслик. И.ф.д., проф. Қ.Х.Абдурахмонов таҳрири остида. – Т.: “Фан ва технология”, 2013, 476 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон, 558-модда, 2017 й., 1-сон, 3-модда
3. Т.Жўраев, Д.Тожибоева. Иқтисодиёт назарияси (кўргазмали ва тарқатма материаллар). – Т.:”Фан ва технология”, 2012, 332 бет
4. Туризм, гостеприимство, сервис: словарь-справочник/Г.А.Аванесова, Л.П.Воронкова, В.И.Маслов, А.И.Фролов; под редакцией Л.П.Воронковой. – М.: Аспект Пресс, 2002. – 367 стр.
5. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2013, 368 бет (149 бетда)
6. <http://www.ecsocman.hse.ru/data/217/076/1232/011koulman.pdf>  
Дж.Коулман. Капитал социальный и человеческий.